

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 9 июнь, № 115 (4778)

Сешанба

ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Авал хабар қилганимиздек, ўтган ҳафта Тошкентда "Кўли гулдир ўзбек аёли..." деб номланган кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир хотин-қизларимиз яратган бетакрор хунармандлик буюмларини кенг миқёсда тарғиб этишга хизмат қилди, дейиш мумкин.

Номийшдан жой олган миллий хунармандлик, фермерлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётига муносиб улуш қўшаётган маҳсулотлар кўпчиликтида кизиқиш уйғотди.

Юртимиз миқёсда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривож доимий эътиборда эканлигини тадбирда иштирок этган ҳар бир тадбиркор хунарманд мамнуният билан таъкидлади.

— Кўргазмада илк бор иштирок этаёلمиз, — дейди ховослик хунарманд Норқиз Бердиева. — Момолардан мерос гиламдўзлик хунари билан шуғулланамиз. Маҳсулот тайёрлашда маҳаллий хом ашё — кўй, эчки териси ва жуни, шунингдек, от ёлини қайта ишлашимиз ва ундан фойдаланамиз. Хусусан, "Қадам пеш", "Терма олача", "Пўстак", "Хуржун", "Барок" сингари буюмларимиз келинлик селига ҳамда совға-салом учун ишлатилапти. Маҳалламиздаги эллик нафардан зиёд хотин-қиз бизнинг ҳовлида хунар сирларини ўрганапти. Кўргазмада маҳсулотларимиз билан танишган банк мутахассислари зарур ҳужжатлар тайёрланган, ёшларга хунар ўргатиладиган марказ фаолиятини йўлга қўйишимиз учун кредит ажратилишини айтишди. Кўргазма-савдода, шунингдек, Гулнора




Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

Мардиева, Норгул Нагметова, Ойсара Рўзиева, Саида Ҳакимова, Хосият Ибрагимова, Ирода Ўринова сингари тадбиркор хотин-қизларимиз ишлаб чиқараётган миллий хунармандлик маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлди. Шу ёрнинг ўзига бир нечта шартномалар имзоланиб, маҳсулотлар ўз харидорини топди.

СҮРАТДА: кўргазма-савдодан лавҳа.

Олий Мажлис Сенатида

Кеча мамлакатимиз парламенти юқори палатасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар ижросидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчилари иштирок этишди.



ҚОНУН ИЖРОСИ МАСЪУЛИЯТИ

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Ф. Алиев бошқарган тадбирда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга, қишлоқда инфратузилмани яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга ошириладиган марказ айтилди. Шу билан бирга, қишлоқда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик фаолиятининг барча ҳўкукий асослари шакллантирилгани, айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида бир қатор қонун ҳужжатлари такомиллаштирилган таъкидланди.

Айтиш жоизки, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин фаолият юритишида қонун нормаларига таъйин иш куришининг аҳамияти беқиссидир. Албатта, ушбу ҳўкукий мажмуалар

(Давоми 2-бетда).

Кун тартибиде:

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга қўшимча жалб қилиш имкониятлари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2009 йил биринчи чорагида Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадлар бўйича прогноз қўрсаткичлари 103,2 фоизга, маҳаллий бюджетнинг харажатлар қисми эса 97,3 фоизга бажарилган. Аҳолини манзилли иқтисодий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловлар бўйича харажатлар тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштирилган.

Шунингдек, такси сифатида хизмат кўрсатаётган автомобиллар фаолияти ўрганилганда, ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлган 173 та корхона ва тажиклотнинг лицензияси мавжуд. Уларда 1910 та автомобиль рўйхатга олинган. Шундан йуна-

Парламент ҳаёти

таксометрлар умуман қўйилмаганлиги, такси белгилари ўрнашмаганлиги ҳамда лицензия олинганлиги ва йўл ҳақи тарифи тўғрисидаги маълумотлар ҳайдовчида ҳам, автомобиль салонида ҳам мавжуд эмаслигини таъкидлади. Автотранспортларни сақлаш жойларида эса тўлов учун берилмаётган қитанциялар шакли амалдаги талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, йиғилишда

жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этишда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни кенгайтириш ва сифатини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, такси сифатида яратилган кўрсаткичларни автоматлаштириш ҳамда автотранспортларни узоқ ва қисқа мuddатли сақлаш мақсадида ташкил қилиш вақтинчалик тўхташ жойлари фаолиятини тўддан яхшилаш, улардан маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қўшимча жалб қилиш орқали бюджет даромадларини қўлайитириш зарурлиги айтилди. Шунингдек, ушбу соҳаларда яратилган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишлари қўламли кенгайтириш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг устувор вазифаси эканлиги эътироф этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ҲУШЁРЛИК — ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ

Парламент қўйи палатаси Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жаҳон мамлакатларида А(Н1Н1) гриппи бўйича вазият ва республикада ушбу касалликнинг четдан кириб келишининг олдинчи олинч борасида амалга ошириладиган фаолият ҳамда ошқозон инч касалликлари ҳолати ва унга қарши курашнинг чора-тадбирлари юзасидан Бош давлат санитария врачининг ахбороти тингланди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, А(Н1Н1) гриппи билан касалланган беморларнинг сони 4379 нафарга етди, улардан 48 нафари вафот этган. Ҳозирги кунгача ушбу касаллик 29 давлатда қайд этилган. Айни пайтда касалликнинг одамлар ўртасида аниқланиши бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу боис йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларидаги, жумладан, халқаро аэропортлардаги 11 та, темир йўллардаги 5 та, автомобиль йўллардаги 68 та санитария назорат пунктининг фаолияти кўчайтирилганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, республикадаги барча даволаш профилактика муассасаларида тиббиёт ходимларининг ҳўшёрликлари оширилган.

Шу билан бирга, йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўшида А(Н1Н1) гриппига қарши ўтказилаётган тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида кечаю кундуз фаолият кўрсатуви штаб ташкил этилгани хусусида сўз борди. Бундай штаблар Қорақўлпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ДСЭНМ қўшида ҳам ташкил этилган. Унда етуқ мутахассислар томонидан айни пайтда дунёнинг барча давлатларида А(Н1Н1) гриппи ва республикада аҳолиси орасида ўткир респиратор вирусли касалликлар ва оддий грипп устидан доимий мониторинг олиб боришмоқда.

Шунингдек, йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ошқозон инч касалликлари аҳоли ва унга қарши курашнинг чора-тадбирлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ойбек РАҲИМОВ.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Тошкент тарихида табиат ва инсон муносабатлари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тошкент тараннуми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида бўлиб ўтган тадбир "Экосан" экология ва саломатлик халқаро жамоатчилик фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Фермернинг ихтироси

Гап шундаки, у "Т-28" тракторининг тиркама культиваторига айни бир пайтда ёш ниҳоллар орасида культивация қиладиган, минерал ва органик ўғит соладиган, бардан озиклантирувчи суспензия аралашмаси, олтингугурт қукунини сепадиган мосламалар ўрнатди.

Фермернинг бу ихтироси ўзи раҳбарлик қиладиган "Дурдона Ҳалимова" фермер ҳўжалиги даласида муваффақиятли қўлланилапти. Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодий жиҳатдан тежамкор бундай мослама учун 70-80 минг сўм атрофида маблағ керак бўлади. Мутахассислар томонидан яхши баҳоланган ушбу ускунани вилоятдаги бошқа фермер ҳўжаликларида ҳам кенг қўллаш тавсия қилинапти.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чуст чеварлари

Бу ишга у маҳаллодошларини касаначилик асосида жалб қилди.

Касаначиларга меҳнат дафтарчалари очилган. Улар ишчилар учун яратилган барча имтиёз ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишмоқда. "Гулёра пари"нинг раҳбари корхона модернизация қилиш мақсадида яқинда бу ерга хорих технологиясини ўрнатиб, турли кийим-кечаклар тайёрлашни ҳам йўлга қўйганидан сўнг ишловчилар сони яна ўн нафарга ортди. Касаначи аёллар уйлариининг ёнгинасида ҳам рўзгор ишлари, ҳам иқтисодий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, оила бюджетига барак киритаётганидан хурсанд.

Қ. НАХМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Тез ёрдам» бўлимига 20 та машина

Жумладан, "Саломатлик-2" дастури доирасида Андижон вилоятидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимига 20 та "Дамас амбуланс" автомашинаси тақдим этилди. Тез орада эса мазкур бўлимга 7 та "Хундай" русуумли махсус автоулов ҳам келтирилади.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги савдо маркази

Унда барча қўлайликларга эга бозор, дорихона, ошхона, тўйхона, новвойхона, сартарошхона, гузаллик саломи сингари сервис ва маиший шохобчалар фаолият бошлади. Бу хайрли иш тўдафайли эллик нафар ёш мумкин иш ўринларига эга бўлди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Б. ОБАМАНИНГ ҚОҲИРА УНИВЕРСИТЕТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИГА ДОИР ХАБАР

Ўзбекистон жамоатчилиги Президент Б. Обама сайланган, АҚШ маъмурияти фаолиятида илгари суриладиган янги ташаббусларни, табиийки, диққат билан кузатиб ва қайд этиб бормоқда.

Б. Обаманинг Қоҳира университетига сўзлаган нутқи ҳам бу борада мустанос бўлмади.

Президент Б. Обама нутқи — бу, аввало, АҚШ маъмурияти ташқи сиёсий ёндашувида реализм ва прагматизм устуворлигининг тасдиғи. Бу ишонсизликка йўғрилган ахлоқсизлик доираси ва мусулмон олами билан зиддиятларга чек қўйиш, қаерда юзга келаётганлардан қатъи назар, ислом дини тўғрисидаги салбий тушунарларга барҳам бериш, АҚШ билан мусулмон олами муносабатларининг янги даврини бошлаш сари бир даъватдир.

Бу — тинчлик, адолатпарварлик ва тараққиёт йўлида АҚШ билан дунё мусулмонлари ўртасида ҳамкорликнинг янги йўлларини излаш борасидаги интилиш ҳамдир. Б. Обама маъмурияти ташқи сиёсий йўналишининг «демократияни тарқатиш» дея аталмиш масалага ёндашувида прагматизмга асослангани эътиборга молик.

Мазкур муаммо бўйича эълон қилинган янги ёндашувларнинг моҳияти шундаки, «тарих ва маданият жиҳатидан тамоман фарқ қасб этувчи» бошқа мамлакатларга ўз кадрларини хар қандай усулда сингдириш самарасиздир. Бинобарин, унинг ўзи демократия, қонун устуворлиги, сўз ва эътиқод эркинлигининг барча учун бирдай аҳамиятли бўлган умуминсоний кадрлар сифатида ҳимоя қилишни давом эттириб, ўрнат олса арзигулик намуна кўрсатмоғи мумкин.

Бугунги кундаги ўта долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида бундай ҳўшёр ва ҳаққоний ёндашувлар халқаро жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилиниши, шубҳасиздир.



БИР РАКАМ ШАРХИ

Чакана савдо тармоғи кенгаймоқда

2009 йилнинг биринчи чорагида республикаимизда 400 та чакана савдо объекти ишга туширилди.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш юзасидан ишчилар қўрилгани тўдафайли шундай ижобий натижага эришилди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

«Қора қути» топилса, ойдинлашади

Атлантика океанида ҳалокатга учраган «Air France» (Франция) авиакомпаниясининг «A330-200» самолёти қолдиқларини қидириш ишлари давом этмокда.

Бразилия ҳарбий кучлари томонидан маълум қилинишича, ҳозиргача 17 нафар йўловчининг жасади топилган.



Шу ўринда келтириб ўтиш жоиз, фалокат сабаблари ҳамон ноаниқлигича қолмокда. Эндиликда самолёт фойдаланиш механизмида нозолик юзага келган, деган тахминлар ҳам илгари сурилмокда. Бунга нима сабаб бўлганига эса ҳаво лайнерининг «қора қути»си топилач, аниқлик киритилади. Мутахассислар у 3000-5000 метр чуқурликда бўлиши мумкинлигини билдиришган. Аммо уни излаб топиш қийин кечаётир. Чунки замонавий қурилмалар 1500 метргача сув қаърида ётган жисмларни аниқлаш имконига эга.

Эслатиб ўтамиз, «A330-200» самолёти бортида ўттиздан ортиқ давлат фуқаролари бўлган.

Автовокзалдаги хунрезлик


«Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Бағдод шаҳрининг Абу-Дийр мавзесида кўпоровчилик ҳаракати содир этилган.

Автовокзалдаги микроавтобуслардан бирига ўрнатилган қурилманинг ҳаракатга келтирилиши туфайли кучли портлаш юз берган. Натижада воқеа жойида етти киши ҳалок бўлган, 24 киши тан жаро-

хати олган. Яраланганлардан бир нечтасининг аҳоли оғир экани билдирилди. Ҳозирча мазкур хунрезлик ортида ким тургани аниқ эмас. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмокда.

Немис машинасозлигига молиявий ёрдам

Германиянинг «Focuss» журналида қайд этилишича, автомобил ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Porsche» компаниясига Қатар амирлиги ҳукумати молиявий ёрдам кўрсатишга қарши эмаслигини билдирган.



Компания бош директори Вендлен Видекинг ушбу масала юзасидан мазкур давлатда бўлган ва ҳукумат вакиллари билан музокаралар ўтказган. Натижада Қатар «Porsche»га 9 миллиард евро миқдорда қарз беришга ҳайр-ҳохлигини маълум қилган.

Бу маълумот бошқа бир манба томонидан ҳам тасдиқланди. Унда айтилишича, Қатар бош вазири амирлик нафақат «Porsche»ни, балки Германиянинг бошқа автомобилсозлик корхоналарини ҳам маблағ билан таъминлашга қизиқиш билдираётганини таъкидлаган.

Парламент сайловлари

Ливанда ўтказилган парламент сайловлари амалдаги ҳукмрон партия — «14 март иттифоқи»нинг галабаси билан якунланди.

Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Партия етакчиси Саад Ҳарири ушбу муваффақият муносабати билан қилган маърузасида ўз тарафдорларини табриклаш асносида, мухолифатчиларга Ливан тараққиёти учун ҳамкорлик қилиш таклифини билдирди.



«14 март иттифоқи» партияси парламентда 71 ўринга, мухолифатчилар эса 52 ўринга эга бўлди. Таъ-

кидлаб ўтамиз, Ливан парламентида умумий депутатлар сони 128 нафарни ташкил этади.

Боғчада ёнгин

Мексика шимолда жойлашган Эрмосильо шаҳридаги болалар боғчасида юз берган ёнгин фойдаланиш бўлимида содир бўлди.

Ҳалокатнинг оқибатида 41 нафар тарбияланувчи ҳаётдан кўз юмди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари изохлашича, бинода чиқиш йўлининг битта бўлганлиги кутқариш ишларида анча қийинчилик туғдирган.

Ёнгин нимадан келиб чиққани ҳақида маълумотлар йўқ.

Ҳориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳар йили мамлакатимизда кўплаб саноат корхоналари, ижтимоий соҳа объектлари, тураржой бинолари, кенг ва раvon йўллар ҳамда кўприклар бунёд этилиб, фойдаланишга топшириляпти. Буларнинг барчаси юртимиз кўркига кўрк, фойдасига фойз қўшаётир.

МУҲТАШАМ ИМОРАТЛАР — ЮРТИМИЗ КЎРКИ

Албатта, ана шу бунёдкорлик ишларини қурилиш ашёларисиз, унинг таъминотисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис республикамизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Айниқса, уй-жой қурилиши учун материаллар етказиб бериш масаласи доимий эътиборда. Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада кенг имкониятлар эшитини очмокда.

Ҳоразм вилоятида ўтган йили 525 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 469 минг квадрат метр тураржой бинолари барпо қилинган эди. Жорий

йилда эса 510 минг квадрат метр, хусусан, қишлоқ жойларда 481 минг квадрат метр яқна тартибда уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Шу мақсадда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, иш ҳажмини ошириш, махсулот турларини кўпайтириш, бунинг учун эса, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш чоралари кўрилмокда.

Маълумотларга қараганда, бултур вилоят бўйича 7,3 минг тонна оҳак, 115 млн. дона деворбоп қурилиш материал, 123 минг квадрат метр дераза ва эшиклар, 22,9 минг квадрат метр ҳажмада турли плиталар ишлаб чиқарилиб, аввалги йилдагига нисбатан ишлаб чиқариш суръатини анча оширишга эришилган. Ҳозирги кунда эса уй-жойларни қалитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ҳар бир туманда янги ихтисослаштирилган таъ-

мирлаш-қурилиш ташкилотлари ташкил этиш ҳисобига 500 тадан ортиқ иш ўрнини яратиш мўлжалланмокда. Бундан ташқари, 42 та гишт заводи ишлаб турибди. Ушбу корхоналарда жорий йилда 127 млн. дона пишик гишт ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу билан нафақат вилоятда гиштга бўлган талабни қондириш, балки махсулотларни четга экспорт қилиб, улардан тушган маблағларга корхоналарни кенгайтириш, янги технологияларни татбиқ этиш кўзланмокда.

Вилоятда янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ҳам аҳамият берилляпти. Наврўз байрами арафасида Урганч шаҳрида йилга 1 млн. 200 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга «Сомхоз-шифер» МЧЖ, Қўшқўйи туманида бир йилда 500

минг дона шундай ашё тайёрлайдиган «Хоразм-шифер» корхонаси фаолият бошлади. Натижада Хоразм қурилиш материаллари бозорларида анча камёб бўлган шифер кўпайди. Унинг нархи

ман, деган киши бу бозорлардан истаган нарсаини топиши мумкин. Кўплаб қурилиш ашёлари тадбиркорлар томонидан четдан келтириляётгани ҳам бор гап. Ёғоч махсулотлари шу-

лардошлар материалларини сотиш йўлга қўйилади. Пировадиди вилоятдаги қурилиш материаллари бозори янада кенгайди.

Шу ўринда Хоразмнинг паҳса-девор архитектураси дунё цивилизациясига тан олинган нобб усул ҳисобланганини қайд этмоқ жоиз. Паҳса-лойдан қадимий доирасимон, тўрт бурчак ва эллипс шаклидаги катта қалъа, кўрғон ва миноралар бунёд этиш фақат Хоразмда одад бўлган. Бу энг арзон, энг фойдали ва кенг тарқалган қурилиш усули бўлиб, ўзининг чидамлилиги билан қишлоқларни ҳайратга солиб келди. Ҳозирда паҳса-лойдан уй қуриш кўпроқ қишлоқларда учрайди. Лекин уй қуриш — тўрт деворни тиклаш, дегани эмас. Қолаверса, ҳар бир ишининг қонун-қоида, йўл-йўриги бор. Устига устак, ҳаётнинг ўзи ҳар бир соҳада замон талаблари асосида илм-фан ютуқларига таяниб фаолият юритишни тақозо этмокда.

Шу маънода, пишк-пукта, ҳисоб-китоб, дид билан мустаҳкам уй қуришга нима етсин! Шунда қишлоқларимиз янада чирой очади. Зеро, биз қишлоқларимизни ободонлаштиришни, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Хоразмда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилляётгани эса қурилиш хом ашёси таъминотида муаммолар бўлмаслигини кўрсатмокда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Қибрай тумани Бандликка кўмаклашиш маркази аҳолининг бандлик даражасини аниқлаш, ҳудудда янги иш ўринларини яратиш, корхоналарда касаначиликни ривожлантириш, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш борасида ижобий натижаларга эришиб келмокда.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Жорий йилнинг тўрт ойида туманда жами 1326 та иш ўрни яратиш мўлжалланган бўлиб, режа 1378 тага удаланганлиги бунинг ёрқин исботидир.

— Ишларимизни Президентимизнинг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этганмиз, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори Хуррият Худойкулова. — Шу йилнинг тўрт ойи давомида туманда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш ҳисобига 17 та, корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 58 та, кичик корхона ва микрофирмалар очиш ҳисобига 234 та янги иш ўрни яратилди.

Айтиш лозимки, аҳолини иш билан таъминлашда меҳнат бозорларининг сезиларли ҳиссаси бор. Йил бошидан буён 5 та меҳнат бозори ўтказдик. Уларда жами 349 нафар фуқаро қатнашди. Иштирокчиларнинг 193 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди ва 171 нафари ишга жойлашди. Шунинг учун бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб боришни режалаштириб олдик.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

КЎЙДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

бош кийимлар, ички кийимлар, ёзги ва қишки пайтавалар, погонлар, галстуклар, плаш-ёпқичлар (плаш-накидка), калта пўстинлар (бекеша), жон пўстинлари, жемперлар, чарм кўлоқлар, ип газлама ва ип аралашган жунли кўлоқлар, госпиталь буюмлари, фурунтуралар, госпиталь туфлилари, казарма шиппаклари (тапочка), тўкилган тасма шим камарлари, ип газлама ва жунли пайпоқлар, жунли свитерлар, жунли ички кийимлар, қишки никоб-шапкалар, резина этиклар, ёзги ва қишки спорт костюмлари, қўнжли ва қўнжсиз брезент кўлоқлар, шлем остидан кийиладиган бош кийимлар (подшлемники), палаткалар, кир ювиш жиҳозлари, тоғ шароитида кийиладиган костюмлар, оддий (ноҳарбий) кийимлар, «День» русумли ашир рангли машк бажорист костюм-комбинезонлари, кийик рўмоллари (косынки), маскировка халат ва костюмлари, жунли шапкалар ва спорт кепилари.

Тўлиқ маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача кўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:

8 10 998 (37.1) 281-43-72;
255-81-45, 256-49-60, 255-85-03.
Факс: 8 10 998 (37.1) 281-43-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 25 июнь кун соат 17.00 гача.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.

ЗДЕСЬ ПРАВИЛЬНЫЕ ОКНА ИЗ ПВХ

515 90 42 339 90 54
120 50 27 975 55 50
103 42 98 126 87 86
280 62 42 757 73 33

дилерский центр
Оконный бизнес под ключ (99871)120 120 0
Все для производства пластиковых окон (99871)120 78 41

EKOPEN

Қизлар учун касб-ҳунар маркази

Янгиқўрғон шаҳарчасидаги «Гулираъно-Нозик» ўқув-ишлаб чиқариш марказида қизларга касб-ҳунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Жумладан, бу ерда аёллар сартароши, чеварлик, элита пардалари тикиш ва пазандачилик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида. У банк к्रेбити сирларини эгаллаш махсулотлари тайёрлаш мумкин.

Хозирга қадар марказ сертификатини қўлга киритган 30 дан ортиқ ёшлар мустақил фаолият билан шуғулланмокда. Тадбиркор Р. Дадабоева аини чоғда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида. У банк к्रेбити сирларини эгаллаш махсулотлари тайёрлаш мақсудларида таъминот ва қишлоқларимизни ободонлаштиришни, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Хоразмда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилляётгани эса қурилиш хом ашёси таъминотида муаммолар бўлмаслигини кўрсатмокда.

3-трамвай-троллейбус депоси

ишга таклиф қилади.

- Трамвай ҳайдовчиларининг ўртача ойлик маоши — 200 000-250 000 сўм.
- Троллейбус ҳайдовчиларининг ўртача ойлик маоши — 200 000-250 000 сўм.

Шунингдек, ёши 21 дан 35 гача бўлган фуқароларни трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари тайёрлаш курсига ўқишга таклиф этади ҳамда ўқитганларга стипендия тўланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-«А» уй.
Телефон: 263-28-97.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗМЕЪЁРЛАГИЧЛАР
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари

Махсулот сертификатланган.
Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш. «Чилпонор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шукрат» дўкони жойлашган чоррақа.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

Drive your way

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка №127
zakamsk-group@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-«А» уй.
Телефон: 263-28-97.

Манзил: Тошкент ш. «Чилпонор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шукрат» дўкони жойлашган чоррақа.

